

Буюк набавий кўрсатма



15:35 / 28.11.2025 1372

Айрим кишилар оғиздан нохуш ҳид келиб туришидан шикоят қилишади. Мутахассислар оғиз бўшлиғининг яллиғланиши, тишларнинг чириши, яхши ўрнатилмаган протезлар, милқдан ажралма чиқиши, овқат қолдиқларининг тиш ораларида қолиб кетиши ҳамда тозалikka эътиборсизлик кабилар бундай нохушликларга сабаб бўлишини таъкидлашади.

Шифокорлар оғиздан ёмон ҳид келишининг юқоридаги сабаблари қаторида яна бир асосий сабабни аниқладилар. Улар: «Оғиздан ёмон ҳид келишига тил юзасидаги қолдиқлар энг кўп сабаб бўлади», дейишди. Бу қолдиқлар бактериялардан иборат бўлиб, овқат қолдиқларини парчаловчи хусусиятга эга. Ана шу парчалаш жараёнида оғиздан ёмон ҳид келади.

Тиш шифокорлари: «Бу муаммонинг ечими оғизда қолган овқат қолдиқларидан халос бўлишдир», дейишади.

Жумладан, АҚШдаги клиникалардан бирида ишловчи доктор Филипп Шрайден: «Тилга қўшимча равишда, тишларни ҳам чўтка ёки ип билан тозалаш лозим. Шунда тишлар соғлом ва тоза бўлади», дейди. Тиш билан бирга тилни ҳам тозалаш оғиздаги микроблар ва ёмон ҳидни йўқотишдаги энг асосий йўлдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга айнан шу услубни тавсия қилган эдилар. Бу ҳақда Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим. Мисвокнинг бир учи тилларида эди».

Имом Муслим ривояти.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тишлари ва оғизларини тозалашга қаттиқ эътибор берар, бир кунда беш мартадан кўпроқ ювардилар.

Тиш касалликлари кенг тарқалган хасталиклар сирасига киради. Уларга шифо бўладиган дори-дармонлар, воситаларни зикр қилиш билан бир қаторда, мутахассислар бунга энг яхши даво деб мисвокни эътироф этишмоқда. Мисвок нафақат оғизни покловчи, балки Парвардигорнинг розилигини топишга сабаб бўлувчи, фаришталарни хурсанд қилувчи, кўзга равшанлик бағишловчидир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мисвок оғизни покловчи ва Аллоҳни рози қилувчидир», дедилар».

Имом Бухорий, Имом Насоий ривояти.

У оғиз бўшлиғидаги ёқимсиз ҳидларни кетказди, тишларни оқартиради, тиш касалликларининг олдини олади, милкларни бақувват қилади, таомни ҳазм қилишга ёрдам беради, балғамни кесади, намознинг савобини кўпайтиради, фасоҳатни зиёда қилади, меъдани қувватлантиради, шайтонни ғазаблантиради, яхшиликларнинг савобини оширади, аччиқни кесади, асаб толаларини тинчлантиради, тиш оғриғини босади, оғизни хушбўй қилади, жон чиқишини осонлаштиради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак суннатлари билан замонавий тиб илмининг стоматология соҳасига бундан ўн тўрт аср муқаддам тамал тошини қўйиб улгурган эдилар.

«Ҳидоят далиллари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 30 декабр 03-07/8108-сонли хулосаси асосида тайёрланди.